

## ХОНА ИТЛАРИДА БОШ МИЯ ЧАЙҚАЛИШИ ВА УНИ ДАВОЛАШ КОКЕР-СПАНИЕЛЬ ЗОТИ МИСОЛИДА

*Сафарова Закия Тешаевна*

*Бухоро давлат университети*

*Зоология ва умумий биология кафедраси ўқитувчиси*

*Асадова Нилуфар Ёркиновна*

*Бухоро давлат университети*

*Биология таълим йўналиши 4-босқич талабаси*

**Аннотация.** Мақолада Кокер спаниель ит зотларининг келиб чиқиш тарихи, морфологияси ёритилди. Итларда учровчи мия чайқалиши касаллигининг этиологияси ва уни даволаш усуллари келтирилган.

**Калит сўзлар:** биохилма-хиллик, селекция, зот, нав, экосистема, биосфера, Кокер спаниель, церебрализин, пироцетам, прозерин, витамин В комплекс, мия чайқалиши.

**Аннотация.** В статье описывается история и морфология породы собак кокер-спаниель. Представлены этиология и методы лечения сотрясения мозга у собак.

**Ключевые слова:** биоразнообразие, селекция, порода, разновидность, экосистема, биосфера, кокер-спаниель, церебрализин, пироцетам, прозерин, комплекс витамина В, сотрясение мозга.

**Abstract.** The article describes the history and morphology of the Cocker Spaniel dog breed. The etiology and methods of treatment of concussion in dogs are presented.

**Key words:** biodiversity, selection, breed, variety, ecosystem, biosphere, cocker spaniel, cerebralysin, pyrocetam, prozerin, vitamin B complex, brain concussion.

Ҳайвонот дунёси ўзининг хилма-хиллиги ва ажойиботлари билан инсониятни азалдан ўзига ром этиб келган. Ҳайвонларнинг Ер шари биосфераси ва экосистемасида, биохилма-хилликда тутган ўрни бор. Ер шари биохилма-хиллигини сақлаб қолиш мақсадида селекционерларимиз жуда қадимдан илмий изланишлар олиб боришади. Бундай илмий изланишлар натижасида эса ўсимликларнинг турли-туман навлари, ҳайвонларнинг турли хил зотлари яратилди, яратилган нав ва зотлар орасида ҳар доим ҳам инсонлар учун озиқ-овқат маҳсулоти эмас, балки маънавий, эстетик ҳордик чиқариш учун яратилганлари ҳам мавжуд.

**Кириш.** Итлар-жуда ажойиб мавжудотлардир, уларнинг ёрдамидан барча соҳаларда фойдаланилади, тиббиётда, кўриқлаш хизматида, чегараларда, овда, шулар билан бир қаторда уларнинг баъзи зотларидан уйда, эстетик завқ олиш мақсадида ҳам фойдаланишади. Биз кузатувларимизни Кокер-Спаниель зоти устида олиб бордик.

Кокер Спаниель ит зотлари бошқа зотлардан ташқи кўриниши, ов қилиш, ҳид билиш, кўриш қобилиятининг юқорилиги, овда ўлжани тез топа олиши билан ажралиб туради. Итларнинг бу зоти XIX асрнинг охирларида кушларга ов қилиш мақсадида яратилган. Итларнинг номи "espaigneul" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "испан ити" деган маънони билдиради, баъзи маълумотларга қараганда итнинг бу зоти Испаниядан келиб чиққан. Аммо Кокер Спаниель зотлари буюк британияда кенг тарқалган ва фойдаланилган, шунинг учун уларнинг номига қўшимча Инглиз сўзи қўшилган ва Инглиз Кокер Спаниели деб юритилган. МДХ малакатларида итнинг бу зоти 70-йилларда оммалаша бошлаган. Кузатувларимизда итнинг бош мия чайқалиши унинг характ координациясига таъсири ўрганилди. Даволаш усуллари ишлаб чиқилди ва қўлланилди.

**Методлар.** Кокер Спаниель ит зотлари ов қилиш учун ҳар томонлама мос ҳисобланади. Биз олиб борган визуал кузатув методи орқали икки ёшар итнинг бўйи 40 см, тана массаси 13 кг эканлиги аниқланди. Мия қуттиси калта, боши квадрат шаклини эслатади, пропорциональ ва ихчам тузилган, жағлари кучли, кўз камалак пардаси оч жигар рангдан тўқ жигар рангга қадар, кўзлари бўртиб чиқмаган. Инглиз кокер спаниель зотларининг ўзига хос тузилиши, бу уларнинг узун ва юмшоқ, момик жун билан қопланган кулоқларидир. Думи узун, жунлари калта ва тиғиз жойлашган, асосан кесиб ташланади.

Инглиз кокер спаниель зотлари ўйинқароқлиги, гиперфаоллиги билан бошқа итлардан ажралиб туради, шунинг учун бу зотларни ёш болали уй ва ҳовлиларда ушлаш мумкин. Шартли рефлекслари тез шаклланади, ўта кулоқ солувчан, фаол зот бўлиб ўйин давомида ўзини кўп шикастлаши мумкин, шунинг учун бу итларни иложи борича кенг хонали уйларда, ҳовлиларда сақлашни тавсия берардик. Биз кузатув олиб борган жой ҳовли бўлишига қарамасдан ўйинқароқлиги туфайли ит ўзини тез-тез деворга уриб олар, баъзан зинадан тушаётганида шошиб йиқилиб боши билан ерга тушар эди. Шундай тўқнашувлар натижасида итда бош мия чайқалиши белгилари намоён бўлди.

**Натижалар.** Бош мия чайқалиши деб тасхис қўйилган итда харакат фаоллиги секинлашди, биринчи куни, боши билан кескин 1,20-1,35 см баландликдан йиқилиб, ўрнидан туриб юриб кетди, аммо кечки пайт, шикастлангандан кейин 8 соат ўтиб қайд қилди. Эртаси куни итда ўйинқароқлик, гиперфаоллик кузатилмади, харакатланган вақтида орқа оёқларида қатираш, бошини пастга егиш, овқат емаслик ҳолатлари кузатилди. Кунида бир маҳал оз миқдорда овқат еб уч кун давомида 5 кг вазн ташлади, орқа оёқда тура олмайдиган ҳолат 5-6 кунлари кузатилди ва тиббий усулда даволаш чоралари қўлланди.

Итни даволашда қуйидаги воситалар қўлланилди, прозерин-1 мл кунига бир маҳал, курак ўртаси тери остига, церебралезин-1 мл, оёқ мускулларига кунига бир маҳал, В комплекс витаминлари 1 мл кун ора, оёқ мускулларига,

пирацетам 2 мл кунига бир маҳал оёқ мускуллари орасига. Даво чораси 10 кун давом эттирилди. Итда дастлаб иштахаси яхшилана бошлади, иккинчи кун юмшоқ овқат истемол қилди, кўп миқдорда сув ичди, 8-10 кунлари ўрнидан туриб оёқларида секин юра бошлади. Ит бош мияси шикастланишидан кейин орқа оёқлари фаолияти бузилди, олдинги оёқларида ҳаракат кузатилди. Даволанишнинг 10 кунли нихоясига етгач ит ўзи ўрнидан туриб 5-6 м масофани босиб ўтди, аммо холдан тояёганлиги сабали тез-тез дам олар эди. Даволаш ишлари Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Ветеринария маркази ветеринар шифокори Сулаймон Самандаров ёрдамида олиб борилди. Яхши натижалар даволанишнинг 18-20 кунлари кузатилди, ит ўрнидан туриб, эркин ва майда қадамлар билан юра бошлади. Даволаш муолажалари ҳар ойда 10 кун амалга оширилди ва 2 ой ичида ит эркин ҳаракат қила бошлади. Аммо аввалги сингари эмас, барибир асаб толаларининг шикастланиши ўз ишини кўрсатиб турди.

**Мунозаралар.** Итларда бош мия чайқалиши ҳолатлари аниқланганда албатта бўйнини сиқиб турган жиҳозлари ечиб олиниши керак, кунгил айниб қайт қилиши билан ветеринарга олиб бориш керак, чунки қайт қилиш такрорланса бу захарланиш белгиси ҳам бўлиши мумкин, буни фақат мутахассис ёрдамида аниқланади, даволаш ишларини итларда биринчи белгилар намоён бўлиши билан бошланиши керак, акс холда тузалиши секинлашади. Бунда итларда шикастланиш даражасига қараб хотиранинг пасайиши, ўз эгасини танимаслик, инсулт ҳам кузатилиши мумкин. Юқоридаги дори воситаларини смехатик тарзда қабул қилиниши мия чайқалишини босқичма-босқич даволаш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ветеринарный Петербург. Журнал ветеринарных врачей. №3. 2014 год. Стр 3-6
2. Виденин В. Н., Семенов Б. С., Мирон Н. И. Термины и операции в ветеринарной хирургии. Издательство ЛАНЬ. 2022.
3. Кузнецова Т. Ш., Назарова А. В., Семенов Б. С. Доказательная ветеринарная медицина. Издательство ЛАНЬ. 2022.
4. Сомов Е.Е. Глазные болезни и травмы. С-Пб, Санкт Петербургское медицинское издательство. 2002.